

15-сонли
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Кегайли тумани

"24" август 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Кегайли тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор XOSHANOV MAXSETBAY SARSENBAEYEVICH, бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган " **SOLAR SERVICE NUKUS**" mas'uliyati cheklangan jamiyati_ номидан Устав асосида иш юритувчи директор SHANXIEV MAXSETBAY TOLEBAEVICH, иккинчи томондан, "Кегайли тумани, Жылуан жап ОФЙ хуудидаги Каракалпақстан проезд кучасининг 0,266 км ички йулларни таъмирлаш" ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тuzдилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект реконструкция қилишга ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб кўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда реконструкция қилиш ишларини лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Субпудратчига реконструкция қилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича объектнинг қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нарҳда тахминан **46 000 000 (Қирк олти миллион) сўмни** ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўприклар ва тоннелларнинг) реконструкция қилиш ишлари қийматини кўпайтиришига енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг реконструкция қилиш ишлари бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

5. Объектни реконструкция қилиш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агарда, Пудратчининг айби билан реконструкция қилиш ишлари муддати узайтирилса, шартномавий нархлар жорий нархларга ўтказилмайди.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

7. Лойиҳа-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачи ва Бош Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

реконструкция ишлари бошланишдан олдин объектда реконструкция ишларини олиб бориш даври учун, Пудратчи иштирокида реконструкция қилинаётган йўл қисмини ва ундаги мавжуд йўл элементларини далолатнома асосида йўлдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул олади ва қурилиш-монтаж ишлари яқунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Реконструкция қилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу йўл қисмида йўл ва йўл иншоотлари элементларини сақлаш ишларини амалга оширади;

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва Буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни Буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг I-иловасида белгиланган, ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни амалга оширади; зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлайди;

ўрнатилган тартибда объектни суғурталанишини таъминлайди;

Буюртмачининг хизматлари харажатларини қоплайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида яъни 45 календар кунни давомида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларни қуриш, кучириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр утказиш тармоқлари ва ҳаказо) бўйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

9. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V.

БОШ БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

10. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Пудратчини зарур ҳолларда объектга айрим зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар билан таъминлаш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

11. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

Мазкур шартнома бўйича белгиланган реконструкция қилиш ишларининг давом этиш вақти ишларни бажариш жадвалига асосан амалга оширилади.

12. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

13. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган қурилиш – монтаж ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматидан 5 фоиз миқдоридаги маблағ, объект давлат қабул комиссияси томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан кафолат муддати утгандан кейин, лекин молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

17. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

19. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Буюртмачи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

20. Пудратчи қурилиш даврида Буюртмачининг вакилини (техник кузатувчини) вақтинчалик яшаш жойидан таъмирланадиган йўл қисмигача бориб келишига транспорт, қурилиш майдонида иш жойи, лозим топилганда ётоқ жой (дала шароитида) таъминлашни ўз зиммасига олади.

21. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 25 кунидан ойнанинг охиригача объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро ҳужжатлари билан) кейинги ойнанинг биринчи кунига қадар Республика йўл жамғармасига топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, уз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаш усули ва машина механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати баланд/паст механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда Пудратчи амалдаги нарх ва механизмлар бўйича расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

26. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

27. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

28. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

29. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

30. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва “Давархитеккурулишназорат” инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

31. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), Пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), йўлга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

32. Пудратчи Буюртмачининг ишларни қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

33. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни реконструкция қилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектга хизмат кўрсатадиган йўл ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш буюртмачи ва Пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва йўлларнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

34. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи Пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

35. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

36. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, кунлик ўртача ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

37. Пудратчи ишлар бошланишидан реконструкция қилиш тугаллангунгача ва реконструкция қилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган

қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

38. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

39. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Пудратчи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

40. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

41. Реконструкция қилиш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномаданазарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафида бажарилган кейин, шунингдек реконструкция қилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб шунингдек реконструкция қилиш тугаланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Реконструкция қилинган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) қуйидаги икки босқичда;

Объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги туғрисида Пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссиялар томонидан;

Ишчи комиссияси тавсияномаси ҳамда объектни фойдаланишга қабул қилиб олишга тақдим этиш туғрисида Пудратчидан хабарнома олингандан кейин давлат қабул комиссиялари томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

Пудратчи ташкилот томонидан ишчи комиссияга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги руйхати;
- қабул қилишга тақдим этилган йўлнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари туплами ижро схемалари;

- ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

- йул қурилиш материаллари ва йул тўшмаларининг конструктив қатламларидан кесиклар (тупроқ жинслари) синовлари журналлари, мувофиқлик сертификатлари;

- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;

Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” кумитаси Давлат архитектурақурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан курсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

42. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги туғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

43. Пудратчи реконструкция қилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи, Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда йўллардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

45. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

46. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар реконструкция қилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

47. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

48. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

49. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш 1 ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

52. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

53. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

54. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

55. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Реконструкция қилиш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчилиқка асосан ва шартномага мувофиқ Буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкый жавобгардир:

сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

Буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

реконструкция қилиш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда Пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармаган ёки тўлақонли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, Пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

нуқсонларни оқилона муддатларда ўз ҳисобидан бартараф этишни;

Агар Пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Пудратчи ёки йўлдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

57. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

58. Пудратчи томонидан объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

59. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 30 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

60. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

61. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

62. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисоодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОЙДАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

63. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари-га зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни ташкилот ходимлари ўз мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги яхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олиш учун қўйидаги ҳаракатларни қилмайди:

- пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
- товламачилик қилиш;
- пора сифатида пул тўлаш;
- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

64. Агар шартнома бўйича бир Томон ходимларининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид келадиган ҳаттиҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан

иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи Пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачибилан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

72. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий фазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

Кегейли Абаданластырыу баскармасы

Кегейли гузары №52

р/с: 23402000300100001010

л/с: 100022860352127045203110001

МБ.ББ.ХККМ.Тошкент шаҳри

МФО:00014, ИНН: 204647222

Кегейли Казнашылык болибеси

ИНН казна : 201122919

ПУДРАТЧИ:

ООО « SOLAR SERVICE NUKUS»

Адрес: Zaberdes ko'chasi, 45-uy

р/с: 20208000600221516001

банк: АКБ Капиталбанк

МФО: 01038

ИНН: 302606722

ОКЭД: 42110

Тел-факс, 97-358-88-00



Директор М.Хошанов



Директор: М.Шанхиев

YURIDIK ÁHMİYETKE IYE HÚJJETLERDÍN NÍZAM
HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ BOYÍNSHA
HUQÍQÍY JUWMAQ
№ RV6107668543

1. Joybardín túri: Shártnama.
2. Joybardín atı: Qurılıs (pudrat) boyınsha.
3. Joybardín islep shıǵıwshısı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat: Kegeyli rayonu abadanlastırıw basqarması tárepinen 2022-jıl 24-avgust kúni menen "SOLAR SERVICE NUKUS" juwapkershiligi sheklengen jámiyeti ortasında Kegeyli rayonu, Jılwan jap mákan puqaralar jıymı aymaǵındaǵı Qaraqalpaqstan proezd kóshesiniń 0,266 km. ishki jolların ońlaw (shártnama ulıwma bahası 46 00 000 swm bolǵan) boyınsha shártnama joybarı tayarlangan.

Shártnama joybarı ámeldegi nızam hújjetleri talaplarına muwapıq islep shıǵılǵan.

Joybar ámeldegi nızam hújjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan hám onı tastıyıqlaw maqsetke muwapıq.

Kegeyli rayonu ádillik bólimi
Yuridikalıq xızmet kórsetiw
orayı bashlıǵı

2022-jıl 24-avgust



K.M.Paluaniyazov

«ТАСТИЛ РАЙОН ИМАН»
Кегейли район Абаданлаштыруу баскармасы баскармасы башлиги М.Хошанов
«24» 2022-жыл

Кегейли район Абаданлаштыруу баскармасы «Товар-материаллар, запчастлар хэм ислерди (хызметлерди) сатып алыу бойынша таңлау комиссиясы»нын ең жақсы усынмаларды таңлап алыу бойынша откериленген

15-санлы мәжілисе баяннамасы
2022-жыл «24» август Кегейли району

Катнасушылар:	(Ф.И.Ш)	(Лауазымы)
Комиссия баслыгы:	М.Хошанов	районлык Абаданлаштыруу баскармасы баслыгы комиссия баслыгы
Агзалары:	Қ.Бекмуратов Н.Қолдасов Н.Гулимов А.Отарбаев Е.Қазақбаев	районлык Абаданлаштыруу баскармасы инженери Абаданлаштыруу баскармасы бас бухгалтери районлык Абаданлаштыруу баскармасы бөлим баслыгы районлык Абаданлаштыруу баскармасы техникалык қалағалау кәнийгеси районлык Абаданлаштыруу баскармасы Инфраструктура бөлим кәнийгеси, комиссия хаткери

КҮН ТӘРТИБИ:

Кегейли району Абаданлаштыруу баскармасы ең жақсы усынмаларды таңлап алыу комиссиясы баслыгы М.Хошанов мәжілисте таңлау комиссиясынын 6 агзалынан 6 адам катнасып атырғанлығын айтып отип, таңлау комиссиясы мәжілисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыұматларды усынды:

Өзбекстан Республикасынын 2021-жылдын 22-апрелдеги 684-санлы «Мәмлекет сатып алыулар ҳаққындағы Нызамының (текетте кейинги орындарда- Нызам) 58-статьясына муапық ең жақсы усынмаларды таңлап алыу есаудасы откерилиуи ҳаққында арнаулы информацион порталында (<http://daxlid.uzex.uz>) дағиза таңлау катнасушыларының қабыл етиу мүддети тамамланыуынан 5 (бес) жұмыс күн алдын мәмлекетлик буйыртманы тәрешинен жеке кабинети арқали жайластырылған 2022 жыл 16-август күни № 22110012137437-санлы лог бойынша 2022-жыл 22-август күни –санлы баяннамасы бойынша хеш қандай шағым келми түспеди.

Өзбекстан Республикасы «Мәмлекетлик сатып алыулар ҳаққындағы Нызамы талапларына хэмде жоқары қорестилген мағлыұматларды есапка алып Таңлау комиссиясы

Қ А Р А Р Е Т Е Д И :

1. Кегейли району Жылдуанжан МНЖ аймағындағы Караканакетан проезд кошесинин 0,266 км ишки жолын оңлау жұмысларын әмелге асырыуоткериленген таңлап алыу ҳужжетлеринде хэм таңлау шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усынған хэм таңлап алыу жеңимназы деп табылған «SOLAR SERVICE NUKUS» ЖШЖ 46 000 000 еум (КҚС непен бирге) менен шартнама дүзилсин.

2. Жеңимназ мекеме таңлап алыу шәртлери тийкарында шартнама дүзиуден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиу ҳукуқы кейинги катнасушы (резерв) етин, «TALANT QURILIS» ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимназ катнасушы усынмалар еткен еуммасынан аспаған муғдарда шартнама дүзиу мүмкинлиги белгилеп қойыласын.

3. Нызам талапларына мууанық таңлау катнасушыларының усынмаларын қорин шығыу хэм бақалау мүддети усынмалар беріу тамам болуынан 10 (он) күннен асып кетиуи мүмкин емеслиги мағлыұмат ушып

кабыл етилсин.

4. Мекеменибас есапшысы - И.Колдасовка тапшау алыу жумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информации порталына (www.xarid.uz) жайластырыу тапсырылсын.

5. Тапшау комиссиясы хаткери (Е.Казакбаев), усы тапшау алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартинте саклашыун тапширлсын.



Қ.Бекмуратов

И.Колдасов

И.Гулимов

А.Отарбаев

Е.Қазакбаев

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 137437 на приобретение Кегейли тумани
Жылуан жап МФЙ худудидаги Каракалпакстан проезд кучасининг 0,266 км ички йулларни
тамъирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 22.08.2022

Время рассмотрения 22.08.2022 17:31

Конкурсная комиссия Кегейли абаданластырыу баскармасы, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XOSHANOV MAXSETBAY SARSENBAYEVICH	Руководитель	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Секретарь комиссии	GULIMOV PARAXAT OTARBAYEVICH	Болим баслык	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Член комиссии	BEKMURATOV KUATBAY KALBAYEVICH	Гл.инженер	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Член комиссии	OTARBAYEV ALMAS PARAXATOVICH	Тех.надзор	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Член комиссии	QAZAQBAYEV YESENKELDI KALLIBEKOVICH	Специалист	Кегейли Абаданластырыу баскармасы
Член комиссии	QOLDASOV POLAT MURATOVICH	Гл.бухгалтер	Кегейли Абаданластырыу баскармасы

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 22.08.2022 года № лота 137437.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог
Подробное описание	Кегейли тумани Жылуан жап МФЙ худудидаги Каракалпакстан проезд кучасининг 0,266 км ички йулларни тамъирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	46 671 060.00
Стартовая сумма	46 671 060.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Объектни кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SOLAR SERVICE NUKUS	25	ООО SOLAR SERVICE NUKUS	25	Экспертная		
ООО TALANT QURILIS	25	ООО ТАЛАНТ КУРЫЛЫС	5	Экспертная		

Критерий №2 Уч йиллик стажи булиши керак. Банкдан карздорлиги хаккидаги катнашувчи корхоналар техник топширикда курсатилган барча талабларга жавоб бериши керак. Акс холда савдодан шетлатилади

Тип: Текстовое значение

Описание: Уч йиллик стажи булиши керак. Банкдан карздорлиги хаккидаги катнашувчи корхоналар техник топширикда курсатилган барча талабларга жавоб бериши керак. Акс холда савдодан шетлатилади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SOLAR SERVICE NUKUS	25	ООО SOLAR SERVICE NUKUS	25	Экспертная		
ООО TALANT QURILIS	25	ООО ТАЛАНТ КУРЫЛЫС	25	Экспертная		

Критерий №3 Курилиш ишлари буйича балансида техника механизмлари булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш ишлари буйича балансида техника механизмлари булиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SOLAR SERVICE NUKUS	25	ООО SOLAR SERVICE NUKUS	15	Экспертная		
ООО TALANT QURILIS	25	ООО ТАЛАНТ КУРЫЛЫС	15	Экспертная		

Критерий №4 Олий маълумотга эга бўлган, умумий иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган 1 нафар раҳбар ходим; - умумий иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар олий маълумотли лойиҳа бош муҳандиси

Тип: Текстовое значение

Описание: Олий маълумотга эга бўлган, умумий иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган 1 нафар раҳбар ходим; - умумий иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар олий маълумотли лойиҳа бош муҳандиси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SOLAR SERVICE NUKUS	25	ООО SOLAR SERVICE NUKUS	20	Экспертная		
ООО TALANT	25	ООО ТАЛАНТ	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILIS		КУРЫЛЫС				

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО TALANT QURILIS	46 671 060.00	46 500 000.00 UZS	46 500 000.00	00.00	46 500 000.00	22.08.2022 13:31:04	09.89
ООО SOLAR SERVICE NUKUS	46 671 060.00	46 000 000.00 UZS	46 000 000.00	00.00	46 000 000.00	22.08.2022 12:47:53	10.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО TALANT QURILIS	58.5	9.89	68.39
ООО SOLAR SERVICE NUKUS	76.5	10	86.5

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 137437 от 22.08.2022 года на приобретение Кегейли тумани Жылуан жап МФЙ худудидаги Каракалпакстан проезд кучасининг 0,266 км ички йулларни тамъирлаш определила победителем:

ООО SOLAR SERVICE NUKUS
302606722

и резервный исполнитель: ООО TALANT QURILIS (305581968)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XOSHANOV MAXSETBAY SARSENBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	BEKMURATOV KUATBAY KALBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	OTARBAYEV ALMAS PARAXATOVICH	Согласен	
Член комиссии	QAZAQBAYEV YESENKELDI KALLIBEKOVICH	Согласен	
Член комиссии	QOLDASOV POLAT MURATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNONOMA

Reestrda tartib raqami: № 8423

№223

«14» май 2013 й.

Mazkur guvohnoma berilgan yuridik shaxsga

«SOLAR SERVICE NUKUS»

жууапкершилиги шекленген жамийети

(davlat tilidagi to'liq nomi)

Tashkiliy huquqiy shakli:

THSH

1152

Mulkchilik shakli:

MCH

142

Davlat ro'yhatidan o'tkazish sanasiga pochta manzili:

MHOBT

1735401

Yuridik shaxsning kodi:

KTUT

24357126

Asosiy faoliyat turi kodi:

XXTUT

51121

Davlat ro'yhatidan o'tkazish vaqtida

STIR

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

302606722

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ rahbari

(imzo)

А. Абдуллаев